

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

2023

ISSUE 12  
DECEMBER

JOURNAL OF

FUNDAMENTAL

STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOFS



IMFAKTOR

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 12-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-12

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-12

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 12 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-12>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Каримов Б.

– тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т.

– юридик фанлар доктори, профессор

Баҳодиров Р.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Ходжаметова Гулчира Илишевна

– тарих фанлари номзоди, профессор

Ҳайдаров Ўрал Ахмадович

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мусаев Джамалиддин Камалович

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент

Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б

Узакова Зарина Фуркатовна

– социология ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мамадияров Дилшод Уралович

– иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Тўраев Шавкат Нишонович

– фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бердиева Гулмира Аминовна

– тарих фанлари номзоди

Гаипов Жасур Бахром ўғли

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)

Сохибова Лола Жонибоевна

– фалсафа ф.б.ф.д (PhD)

Шарипов Дилшод Бахшиллович

– сиёсатшунос, эксперт

Содиржонов Мухриддин

Махамадаминович

– социология ф.б.ф.д (PhD)

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**МУХАМЕДБАЕВ Абдукаххор Абдуганиевич**

*Мустақил изланувчи*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10441315>

## ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, диний ташкилотлар фаолиятини тадқиқ қилиш методикаси, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилганлиги, энг аввало тизимнинг қонунийлиги ўрганилиб чиқилган. Бундан ташқари, таҳлилчи соҳани ҳуқуқий таҳлил қилишни бошлашдан олдин, тадқиқот объектини аниқ белгилаб олиши керак бўлади. Шу боисдан, диний ташкилотлар фаолиятини тадқиқ қилиш методикаси, ҳамма соҳага атрофлича кузатиши, назарда тутилган.

**Калит сўзлар:** диний ташкилотлар, диний ташкилотлар фаолияти, тадқиқ қилиш методикаси, амалга оширилаётган ислохотлар, тизимнинг қонунийлиги, таҳлилчи соҳани ҳуқуқий таҳлил қилишни.

## ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ РЕЛИГИОЗНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ МЕТОДОЛОГИЯ ИССЛЕДОВАНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье изучается методология исследования деятельности религиозных организаций, все реформы, проводимые в Узбекистане в области прав человека и тот факт, что они направлены на эффективную защиту его интересов, прежде всего, легитимность системы. Кроме того, аналитик должен будет четко определить объект исследования, прежде чем приступить к правовому анализу данной области. Таким образом, представлена методология исследования деятельности религиозных организаций, ее всестороннее наблюдение за всеми сферами.

**Ключевые слова:** религиозные организации, деятельность религиозных организаций, методология исследования, проводимые реформы, легитимность системы, правовой анализ аналитической сферы.

## ACTIVITIES OF RELIGIOUS ORGANIZATIONS RESEARCH METHODOLOGY

### ANNOTATION

This article examines the methodology of research on the activities of religious organizations, all the reforms carried out in Uzbekistan in the field of human rights and the fact that they are aimed at effectively protecting its interests, first of all, the legitimacy of the system. In addition, the analyst will have to clearly identify the object of the study before proceeding to a legal analysis of this area. Thus, the methodology of research on the activities of religious organizations, its comprehensive monitoring of all spheres, is presented.

**Keywords:** religious organizations, activities of religious organizations, research methodology, ongoing reforms, legitimacy of the system, legal analysis of the analytical sphere.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган экан, шу ўринда уларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнининг қай даражада ташкил этилиши, амалиётда қўлланилиши ва мавжуд муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ қамраб олиши муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш жоизки, айрим ҳолларда қонун ҳужжатларининг сифат ва мазмуни жамиятда юзага келаётган ижтимоий муносабатларнинг мазмунмоҳиятига тўлиқ мос келмайди. Шу сабаб ушбу “бўшлиқлар”ни тўлдириш мақсадида уни ривожлантиришга қаратилган асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

Маълум бир тузилма фаолиятини ҳуқуқий таҳлил қилиш жараёнида таҳлилчи энг аввало тизимга масъул ҳисобланган идоранинг мақоми ва ҳуқуқий асосини ўрганади. Бундан ташқари, соҳа фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишади. Бунда умумий ва махсус қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари таҳлил қилинади. Шунингдек, қонун нормаларини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган идоравий меъёрий ҳужжатларнинг қонунчиликка мослиги, уларнинг амалда ишлаётганлиги ёки жамиятда ҳаракатда бўлиб келаётган муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги ҳам таҳлил қилинади.

Ҳуқуқий таҳлил натижалари юзасидан таҳлилчи томонидан аргументланган хулосалар тайёрланиб, унда мавжуд муаммони бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб берилади. Зарур ҳолларда тизимнинг самарали ишлаши учун қисқа ва ўрта истикболга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилади.

Маълум бир соҳани ўрганишда таҳлилнинг объекти, предмети ва йўналишини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай “чегара”ларни ҳуқуқий таҳлилни амалга оширишдан манфаатдор бўлган томон (бююртмачи) белгилаб бериши мумкин. Соҳани мустақил ўрганаётган таҳлилчи эса, мезонларни ўзи мустақил белгилаб олади. Умуман олганда, маълум бир соҳани ҳуқуқий таҳлил қилишда 3 та асосий йўналишни белгилаб олиш мумкин.

- Тизимда ҳуқуқий ишларни ташкил этиш ва қонун ижодкорлиги;
- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши;
- Амалиётдаги муносабатларнинг ҳуқуқий нормалар билан қамраб олиниши.

Таҳлил жараёнидаги энг муҳим йўналишлардан бири – бу тизимда ҳуқуқий ишларни ташкил этиш ва қонун ижодкорлиги йўналиши ҳисобланади. Чунки, ҳуқуқий таҳлилдаги илк қадам асосан ўрганилаётган соҳа фаолиятини тартибга соладиган мавжуд нормаларни ўрганишдан бошланади [1].

Энг аввало тизимнинг қонунийлиги ўрганилиб, бунда “тизим қайси қонун ҳужжатлари асосида ўз фаолиятини олиб боради?”, “ҳуқуқий ишлар қай даражада ташкил этилган?”, “тизимда норма ижодкорлиги фаолиятини ким олиб боради?”, “уларнинг вазифа ва функциялари нималардан иборат?” каби саволларга жавоб олинади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилишини ўрганишда таҳлилчи соҳанинг амалий жиҳатларини ўрганади. Бунда қонунни амалга ошириш бўйича идоравий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги, уларда қонунни реализация қилиш механизмларининг мавжудлиги, амалиётда қонун талабларига риоя қилиниши, қонунлар ва қонун ости ҳужжатларида юридик конфликтларнинг бор ёки йўқлиги ўрганилади.

Айрим ҳолларда таҳлилчи ўз олдига қўйилган муаммони ҳал этишнинг қонуний йўллари топишда қийинчиликларга дуч келади. Бундай вазият кўпинча таҳлилчининг малакасизлиги оқибатида эмас, балки амалиётда ҳаракатда бўлиб келаётган муносабатларнинг қонун нормалари билан тартибга солилмаганлиги оқибатида келиб чиқади. Аксарият ҳолларда “қонунчилик ва амалиёт” тамойилига катта эътибор берилади ва бу тўғри ёндашув ҳисобланади.

Қабул қилинган қонунларнинг амалиётга тўлиқ жорий этилиши қўзланган мақсадга эришиш ҳамда маълум бир тизим фаолиятини тартибга солишга хизмат қилади. Аммо, амалиётда мавжуд бўлиб келаётган муносабатларни қонун нормалари асосида тартибга солмаслик турли муаммоли вазиятларни юзага келтириши мумкин. Шунинг учун, таҳлилчи соҳа фаолиятини ҳуқуқий таҳлил қилиш жараёнида амалиётда бўлаётган муносабатларнинг қонунийлигини ҳам ўрганиши лозим бўлади. Бунда мутахассис ва экспертлар билан маслаҳатлашиш орқали жамиятда юз бераётган реал манзарага эга бўлиш мумкин.

Шунингдек, амалиётдаги муносабатларни таҳлил қилишда социологик сўров ўтказиш орқали мутахассис ёки эксперт бўлмаган шахслар фикрлари олинishi мумкин. Бунда мазкур фикрлар аккумуляция қилинган ҳолда таҳлилий ишларнинг олиб борилиши аҳоли ўртасидаги муносабатлар бўйича мавжуд ҳолат юзасидан тасаввур шакллантирилади.

Таҳлилчи соҳани ҳуқуқий таҳлил қилишни бошлашдан олдин, тадқиқот объектини аниқ белгилаб олиши керак бўлади. Бутун соҳа фаолиятини ўрганиш таҳлилчидан катта вақт ва маблағни талаб қилиши, қисқа вақт ичида амалга оширилган таҳлил эса, реал натижани бермаслиги мумкин. Шунинг учун таҳлил қилинаётган соҳанинг тармоғи, ҳудуди ҳамда йўналиши белгилаб олинishi талаб этилади. Бундан ташқари, таҳлилни амалга оширишда фойдаланувчи кўриб чиқилаётган услубнинг алгоритмининг белгилаб олиши лозим бўлади. Чунки, ҳар қандай услуб уни қўллаш кетма-кетлигисиз жиддий аҳамият касб этмайди. Шуни эътиборга олган ҳолда, ҳуқуқий таҳлилни амалга оширишга қуйидаги кетма-кетликка риоя қилиш таҳлилнинг сифатли чиқишига кўмаклашади

1. Ҳуқуқий таҳлилнинг мақсадини аниқлаш;
2. Ҳуқуқий таҳлил объектини аниқлаш (белгилаш, танлаш ва ҳ.к.);
3. Ҳуқуқий таҳлил предметини аниқлаш (белгилаш, танлаш ва ҳ.к.);
4. Соҳага оид ҳуқуқий базани таснифлаш;
5. Норматив-ҳуқуқий базада таснифланган ҳужжатларнинг мавжуд қонунчилик базасига мувофиқлигини таҳлил қилиш;
6. Соҳага тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни реализация қилиш механизмларининг мавжудлигини ўрганиш;
7. Амалиётда ҳаракатда бўлиб келаётган ва соҳага алоқадор бўлган муносабатларни таснифлаш;
8. Таснифланган муносабатларнинг ҳуқуқий нормалар билан қамраб олинганлигини ўрганиш;
9. Таҳлил жараёнида аниқланган муаммоларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганиш;
10. Ҳуқуқий таҳлил мақсадидан келиб чиқиб натижани баён қилиш (расмийлаштириш) ва тақдим этиш.

Тадқиқот мақсади – фақат тадқиқот олиб бориш орқали эришиш мумкин бўлган кутилаётган яқуний натижа модели. Ҳуқуқий таҳлилнинг мақсади қуйидагича бўлиши мумкин:

- исталган (ёки идеал) ва реал ҳолат ўртасидаги фарқ – муаммони аниқлаш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс этган нормаларнинг амалиётдаги реализациясини ўрганиш;
- амалиётда мавжуд муаммонинг ҳуқуқий сабабларини аниқлаш;
- соҳада ҳаракатда бўлиб келаётган муносабатларнинг ҳуқуқий нормалар билан таъминланганлигини аниқлаш ва ҳ.к.

Ҳуқуқий таҳлил объекти – бу муаммоли вазиятни ташувчи (муаммога эга) субъект ёки тадқиқотчининг илмий билиш фаолияти йўналтирилган соҳа ёки жараён.

Ҳуқуқий таҳлил предмети мавжуд муаммони ечиш учун ўрганилиши керак бўлган объектнинг энг муҳим хусусиятлари, элементлари ва жиҳатларини ўзида қамраб олади. Ҳуқуқий таҳлил предмети таҳлил объектининг бир қисмини ташкил этади. Таҳлил мавзуси ва ўрганилаётган муаммо айнан предмет доирасида шаклланиши лозим.

Соҳага оид ҳуқуқий базани таснифлаш қуйидаги кетма-кетлик [2] асосида амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Норматив-ҳуқуқий базада таснифланган ҳужжатларнинг мавжуд қонунчилик базасига мувофиқлигини таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзига нисбатан юқори кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзи билан тенг кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга зид эмаслиги ва ҳ.к.

Соҳага тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни реализация қилиш механизмининг мавжудлигини ўрганишда қуйидагиларни аниқлаш мақсадга мувофиқ:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатилган ҳар бир норманинг амалиётда мавжудлиги;
- ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс этган айрим нормаларнинг ноқонуний буйруқ ёки қарорлар билан тўхтатиб қўйилганлик ҳолатларининг мавжудлиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатни реализация қилишда бошқа турдаги тўсиқларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Амалиётда ҳаракатда бўлиб келаётган ва соҳага алоқадор бўлган муносабатларни таснифлашда уларни тартибга солувчи идоралар ваколатидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда муносабатларни тартибга солувчи органларни умумий ёки махсус ваколатли органларга бўлиш мумкин. Шунингдек, соҳага алоқадорлик даражасига кўра муносабатлар бевосита ёки билвосита муносабатларга ажратилиши мумкин [3].

Таснифланган муносабатларнинг ҳуқуқий нормалар билан қамраб олинганлигини ўрганишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- муносабатни тартибга солувчи қонун ҳужжатининг тури;

- муносабатни тартибга солувчи қонун ҳужжати қабул қилган ваколатли орган;
- муносабатнинг қандай даражада ҳуқуқий тартибга солинганлиги (тўлиқ ёки қисман);
- қонуний тартибга солинмаган муносабатларнинг ҳажми ва ҳ.к.

Таҳлил жараёнида аниқланган муаммоларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганиш давомида, энг аввало, муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш лозим бўлади. Ушбу сабабларни бартараф этиш имкониятининг мавжудлигига қараб объектив ва субъектив сабабларга ажратиш муаммони ҳал этишда кўмаклашади.

Бундан ташқари, муаммоли вазиятга таъсир этувчи омиллар ижобий ва салбий омилларга таснифланиши мумкин. Муаммонинг кўлами ва долзарблигидан келиб чиқиб, таҳлилчи вазиятнинг келгусидаги ҳолатини прогноз қилиши мумкин. Шундан кейин, муаммони ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Таҳлил якуни бўйича расмийлаштириладиган ахборот-таҳлилий ҳужжатда муаммонинг долзарблигини (ҳажми ва кўламини) аниқлаш, умумий якун, прогноз ва унинг асосидаги тавсияларни ишлаб чиқиш бирламчи аҳамият касб этади [4]. Бунда, асосан:

- имкон қадар статистик маълумотларни келтириш;
- кўлга киритилган натижага изоҳ бериш;
- натижани таҳлил мақсади билан синтез қилиш кўзда тутилади.

Таҳлилчи олиб борган таҳлил натижаларини буюртмачи талабидан келиб чиққан ҳолда турли шаклда баён этиши мумкин. Улар қуйидагилардан иборат бўлади:

- ахборот-таҳлилий ҳужжат кўринишида расмийлаштириш;
- презентация тайёрлаш;
- илмий мақола ёки тезис ёзиш;

– илмий ҳисобот (агар таҳлилий фаолият кенг кўламда олиб борилган бўлса) тайёрлаш ва ҳ.к.

Хулоса ўрнида, диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар мамлакатда виждон эркинлигини таъминлашга асос бўлмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар дунё миқёсида ҳам муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасида алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхатидан чиқарилганлиги, БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясининг қабул қилинганлиги бунга яққол мисолдир.

Шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, диний ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий таъминлашда қабул қилинган нормаларни амалиётга татбиқ этиш механизмнинг мавжудлиги ва унга риоя этилишини, қонун нормаларининг реализациясида юридик зиддиятларнинг бор-йўқлигини, тизим фаолиятининг қонун нормалари билан қамраб олинганлигини ўрганиб бориш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, тизимни ҳуқуқий таҳлил қилишда ҳуқуқий ишларни ташкил этиш ва қонун ижодкорлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реализацияси ҳамда амалиётдаги муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши каби асосий йўналишни белгилаб олиш лозим бўлади. Илсомий диний ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий таҳлил қилишда тизимли ёндашув шуниси билан аҳамиятлики, унда нафақат қонун нормаларини ишлаб чиқиш жараёнини, балки қабул қилинган ҳужжатларни амалиётга татбиқ этишдаги муаммолар ҳамда уларнинг сабаб ва оқибатларини, шунингдек, қонун меъёрлари доирасидан ташқарида бўлиб келаётган муносабатларни ўрганиш имкони юзага келади.

**ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES**

1. <https://lex.uz/docs/5491534>
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “О‘zbekiston” нашриёти, 2021. – Б.237.
3. Mirziyoyev.SH.M. Yangi O‘zbekiston demokratik o‘zgarishlar, keng imkoniyatlar va amaliy ishlar mamlakatiga aylanmoqda”.-Toshkent : “O‘qituvchi”, 2021. 21-bet.
4. www. Lex.uz.qonunchilik milliy bazasi. Yangi tahrirdagi konstitutsiya, 30.05.2023 yil

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 12-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-12

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-12

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)